



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2016 йил 20 октябрь, № 207 (6642) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМАРҚАНДГА ТАШРИФ: ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтган 43-сессияси иштирокчилари 19 октябрь кuni Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди. Курьон тиловат қилинди.

Буюк Йўлбошчимизнинг мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва уни хар томонлама ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари ёдга олинди. Юртимиздаги муқаддас қадамжов ва зиёратгоҳлар, буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ масканларни обод этиш, халқимизнинг маънавий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш борасида Биринчи Президентимиз улкан жасорат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатгани алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Мирзо Улуғбек музейи ва расадхонаси билан танишди.

— Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясига жуда катта тайёргарлик кўрилгани ва анжуман юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди Ироқ ташқи ишлар вазири ўринбосари Умар Берзинжи. — Тадбир доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар, таълим масканларига уюштирилган саёҳатлар бизда улкан таассурот қолдирди. Айниқса, ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳри, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш имконияти яратилганидан бениҳоя хурсандимиз. Бу сафар ҳаётимизда шубҳасиз унутилмас воқеа бўлиб қолади. Буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратлари мангу ором толган масканнинг шундай қўрқам ва улғувор са-

лобатидан ҳайратга тушди. — Ўзбекистонда муқаддас зиёратгоҳлар, масжидларни обод этиш, уларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилган ишлар хар қанча таҳсинга сазовор, — дейди Мали ташқи ишлар вазирлиги ходими Бен Азиз Рақони. — Бу давлатимизнинг ушбу соҳага алоҳида эътибор кўрсатаётганидан далолатдир. Халқаро анжуман доирасида энг катта орзуларимдан бири ушалиб, муҳаддислар султони Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш насиб этгани учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтман. Мажмуанинг ўзига хос миллий архитектураси, ободлигини кўриб лол қолдим. Ушбу масканга яна келишни ният қилдим.

Самарқанд автомобилсозлик коллежидаги таълим жараёнлари билан танишув чоғида мамлакатимизда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнаомлигида халқаро андозаларга мос миллий таълим моделини яратиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, “Таълим тўғрисида”ги ва соҳага оид бошқа қонунлар асосида замон талабларига тўла жавоб берадиган миллий таълим тизимига асос солинди. Айни пайтда дунёнинг кўплаб минтақаларида болаларнинг ўқиши оғир муаммага айланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ўз ичига олган, давлат томонидан кафолатланган 12 йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилган.

(Давоми 2-бетда).

Хорижлик экспертлар ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашида Ўзбекистоннинг раислиги хусусида

Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг раислиги Ўзбекистонга ўтгани ҳамда мамлакатимиз Президентини вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёев томонидан ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар хорижий давлатларнинг эксперт-таҳлил доираларида кенг муҳокама қилинмоқда.

Пьер-Эммануэль ТОМАНН,
Европа халқаро муносабатлар институтининг
геоисий дастурлар директори (Бельгия):

— Тошкентда бўлиб ўтган Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги 43-сессияси ушбу ташкилотнинг институционал ривожланишида муҳим босқич ҳисобланади. Бу, энг аввало, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро муаммоларнинг ҳал этилишида ИХТ ўрнини мустаҳкамлаш тарафдори эканлиги билан боғлиқ бўлиб, бундай қараш халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан расмий Тошкентнинг умумий йўли ҳамда ёндашувларига тўла мос келади.

Маълумки, 2015-2016 йилларда Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилган. Энди эса республиканинг Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислиги ҳам изчил ва муваффақиятли ўтишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон бағрикенглик, турли маданиятларга ўзаро ҳурмат, ислон дунёси ичида бўлгани сингари турли эътиқод ва халқлар вакиллари ўртасида ўзаро тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишида Ислон ҳамкорлик ташкилотининг ўрнини оширишни ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон томони бу тамойиллар ИХТ фаолиятида турли хавф-хатарларга қарши курашишда ва уларни ўз

вақтида бартафат этишда тинч, сиёсий-дипломатик ҳамда таҳдидларнинг олдинки олиш услубларини қидириб топиш учун зарур, деб ҳисоблайди.

Бундай ёндашув адолатли ва асослидир. Шу сабабли Ўзбекистон ўзининг ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислиги чоғида нуфузли давлатларга тизим сифатида мазкур ташкилотнинг макomini янада оширишга интилади.

Кўп кутбни дунё шароитида, сайёрамизнинг кўпгина бурчларида кескинлик кучайиб бораётган паллада Ўзбекистоннинг ИХТ доирасидаги сазй-ҳаракатлари нафақат ислон олами мамлакатлари, балки Европа давлатлари томонидан ҳам хар томонлама қўллаб-қувватланиши лозим. Шу билан бирга, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича Марказий Осиёнинг энг муҳим мамлакатини бўлган Ўзбекистоннинг бой ҳамда ижобий таърибасини ҳаётга татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш мумкин. Бу Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон конструктив ўрин туттишда давом этаётгани нуктаи назаридан ҳам жуда аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

МОДЕРНИЗАЦИЯ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели” самаралари Фарғона вилоятида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

ИСЛОХОТ



Жумладан, саноат ривожига қаратилаётган эътибор тўғрисида ҳудудда замонавий ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиши баробарида,

мавжудлари техник ва технология жихатдан модернизация қилинаётгани импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп махсулотлар тайёрлашни ўзлашти-



ришда муҳим омили бўлаётди. Бунга Қувасой шаҳридаги “Кварц” акциядорлик жамияти фаолияти яққол мисолдир. Гап шундаки, ўтган вақт мазкур

ҳўжалик юритувчи субъект ҳаётида, том маънода, юксалиш даври бўлди. Сабаби, хом ашё билан таъминлаш даражаси икки баробар оширилган, юқори сифатли силлик-

ланган қурилиш ойнаси, тобланган ойна ва шиша идешлар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Жорий йилнинг 19 октябрида Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 300 га яқин делегат қатнашди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал- демократик партияси съезди

Съезд иштирокчилари 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканлиги, унда ЎзЛиДеПнинг фаол иштирок этиши лозимлигини қайд этдилар.

Анжуман қатнашчилари таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида туб ўзгаришлар кўриб чиқилган. Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам асослари яратилди. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида кенг

қўллаш ишлар рўйбга чиқарилди. Қонун устуворлиги, кўппартиявийлик, демократик сайловлар мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётининг ажралмас тарқиб қисмига айланди.

Съезд иштирокчилари томонидан юртимизда хар томонлама ўзини оқлаган ислохотларнинг давомийлигини, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бориш вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган етакчи сиёсий куч сифатида ЎзЛиДеП учун бундан бунён ҳам асосий мақсад бўлиб қолиши қайд этилди.

Мамлакатимиз тараққиёти-

нинг хозирги босқичида ЎзЛиДеПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ўтган йиллар давомида юртимизда амалга оширилган ривожланиш йўлини янги, юксак босқичга кўтаришга қодир, ислохотларнинг туб моҳиятини аниқ биладиган, уларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган, халқ тақдирини ўз тақдирини билан чамбарчас боғлаб, доимо эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, ташаббускор ва ташкилотчи шахс номзодини илгари суриш зарурилиги алоҳида айтиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

21 ОКТАБЬР — “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Миллат тимсоли, юрт қудрати

Қадимий ва бениҳоя бой, сеҳру синаотга лиммо-лим, теран мантиқни ортоқлаган ўзбек тили ўз Ватанида азалий ҳаққи саналган қадр-қимматга эга бўлганига йилгирма етти йил тўлди. Шундан бунён бу тил мустақил Ўзбекистоннинг муқаддас тимсоли сифатида эъзозу эҳтиромда. Шунча фурсатдирки, у эркин тараққиёт ва такомил дейиладиган тадрижий жараёнлар ичра дадил одимламоқда.

Аммо бундан аввал ўзбек тилининг аҳоли тамоман ўзгача, расмий ҳуқуқлардан мосуво эди. Чунки тупроғида олтин гуллайдиган, ҳисобсиз бойликларга кон, ақл ва бадииятдан дунёга дарс берган, не-не улугларнинг муқаддас бешиги бу юрт сиёсий, иқтисодий, таассуфки, лисоний асорат исканжасида қолганди. Лисоний асорат, яъни халқнинг тилини тутқунликда туттиш муҳим сийосатдир. Хар қандай одамнинг ирку эътиқоди, замин у замонидан қатъи назар, мил-

лий-руҳий мағзини она тили тайин ва таъмин этади. Шу маънода, Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги сўзларида улкан ҳақиқат ўз тажассумини толган: “Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланиб экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она суги билан қиради. Мана шунга алоҳида эътибор беришингизни илтимос қилмоқчиман: табиийки, Она аллеси фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг

кўнгли дунёсига миллий рух қиради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдақнинг жисму жонига илди қолдиради”.

Тил миллатнинг ҳамияти, ўзини кўриш қудрати, озоликка бўлган иштиёқини соғлом сақлайдиган, шафқатсиз асрлар тўфонидан тўзғитмай олиб ўтадиган бетакорор кучдир. Тилнинг ана шундай буюк таянч эканлигини яши идрок этган истилочилар ўзга юртларнинг олтинга тенг тупроғи ва моддий-маданий бойликларини уйқуларини қочирган палларда бу ўлкаларни истило қилиш илинжида улардаги тилларни даф қилганлар, тараққиётига тўғаноқлар ясаган.

(Давоми 4-бетда).

МУНОСАБАТ

Таълим ва маърифат — тараққиёт омили

Шиддат билан ўзгариб бораётган, турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги даврда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олишлари ҳамда баркамол бўлиб улгайишларига эътибор қаратиш хар бир миллат учун устувор вазифалардан бирига айланади.

Кунги кеча пойтахтимизда “Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” эзгу ғояси остида ўтказилган Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси айнан юксак маънавият башарият фаровонлигининг асосий омилларидан эканлигини, муқаддас ислон дини бу борада муҳим ўринга эгаллигини яна бир қарра намоеён этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг мазкур сессиянинг очилиш ма-

росимидаги нутқида муқаддас ислон кадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, мусулмон халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлашга ургу берилгани ниҳоятда аҳамиятли бўлди. Унда келтирилган устувор вазифалар айни чоғда барча иштирокчи давлатлар вакиллари томонидан самимий, миннатдорлик билан кутиб олинди ҳамда уларда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Очиқлик ва ошқоралик сайлов жараёнининг асосий тамойиллари ҳисобланади. Зеро, ушбу принциплар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг асосий сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлайди.

Ахборот, таҳлил ва жамоатчилик фикри

Булар, аввало, уларнинг ахборот олиш ҳуқуқи, жумладан, давлат ҳаётининг энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбири — ҳокимият вакиллик органларига сайловга оид маълумотлардан хабардор бўлиб бориш эркинлигига тааллуқлидир.

Халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришдек демократик институт давлат ва жамият бошқаруви ишларида иштирок этиш, сиёсий партияларга уюштириш, ўз фикрини эркин ифодалаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига

таклифлар, шикоятлар билан муносабат қилиш ҳамда бошқа ҳуқуқлар билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, демократик жиҳатдан янада ривожланишнинг сиёсий воситалари саналган ушбу ҳуқуқларни таъминлашдан туриб демократик сайловни ўтказиб бўлмайд.

Очиқлик ва ошқоралик тамойилларини амалга ошириш, энг аввало, оммавий ахборот воситалари орқали таъминланади.

(Давоми 3-бетда).

АВИАЦИЯ ҲОДИСАСИГА ДОИР Х А Б А Р

2016 йил 18 октябрь кuni Фарғона вилояти ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг режа асосида парвоз қилган “Ми-171” вертолети ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида 3 экипаж аъзоси ва вертолётда бўлган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 6 харбий хизматчиси ҳалок бўлди.

Авиаҳалокат сабабларини текшириш бўйича махсус комиссия ташкил этилди.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чукор ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати.

САМАРҚАНДГА ТАШРИФ: ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг натижасида мамлакатимиз ёшлари билим олиш билан бирга, касб-хунар эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини топмоқда. Мазкур муассасалар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида экани меҳмонлар томонидан алоҳида эътироф этилди, ўрганса арзиғулик тажриба сифатида қайд этилди.

— Автомобилсозлик бўйича тўрт йўналишда ўндан ортқ мутахассислар тайёрланадиган маз-

кур муассасада ўқувчиларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши учун яратилган шароит олий ўқув юртлири даражасида экани эътиборини тортид, — дейди Иорданиянинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотидagi вакили Мажид Талжи. — Бу Ўзбекистонда давлат томонидан таълим соҳасига бўлган жуда катта эътибор самарасидир. 17-18 ёшли йигит-қизларнинг замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб, автомобилсозликнинг мураккаб жараёнларини пухта ўрганаётгани ҳавасимизни кел-

тирди. Коллеж битирувчиларининг асосий қисми Самарқанддаги автомобил заводларида ва уларга техник хизмат кўрсатиш марказларида ишлаётгани янада эътиборлидир.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейга ташриф буюрган меҳмонларга муассаса ўқувчилари бу ерда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Бир неча хорижий тилларда эркин суҳбатлашган ёшларнинг билими, интилиш ва шижоати меҳмонларда катта таассурот қол-

дирди. Аниқ, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар, хорижий филология йўналишларида 1350 ўқувчи таълим олаётган ўшбу академик лицейнинг 3 нафар кизи Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га сазовор бўлган. Кейинги беш йилда ўнга яқин ўқувчи халқаро фан олимпиадаси ғолиблигини қўлга киритган. 50 дан ортқ йигит-қиз мамлакат ва халқаро спорт мусобақаларида муносиб иштирок этган.

— Ўзбекистон заминидан диний ва дунёвий илмларда жаҳонга маш-

хур алломалар етишиб чиққанини яхши биламиз, — дейди Гамбиянинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотидagi вакили Умар Саллоҳ. — Уларнинг буюк хизматлари ҳамон ҳайрат ва ҳавас билан ўрганилади. Бугун замонавий таълим масканларида тахсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрларини эшитиб, бу табаррук юрда улуг аждодларига муносиб авлодлар камолга етаётганига амин бўлдик. Бундай авлод буюк ишларга қодир.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси съезди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шу ҳолатларни ҳамда съезд делегатларининг чиқишларида ўз аксини топган сайловчилар ва кўп сонли партия электорати вакиллари фикрларини инобатга олган ҳолда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съезди бўлажак сайловларда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги кенг миқёсли ислохотларни амалга ошириш, мустақил давлатчилик асосларини барпо этиш ва мустақамлашда, бозор тамойилларига асосланган мулкони янги иқтисодий тизимни шакллантиришда Ўзбекис-

тоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримовга узоқ йиллар елкадош бўлиб ишлаган, ўзининг бутун меҳнат фаолиятини Ватанимиз равнақиға бағишлаб келаётган вакил юрдошларимиз орасида ҳақли равишда катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган, партия Сийёсий кенгашининг аъзоси Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Тадбирда ЎзЛиДеП томонидан кўрсатилаётган номзод шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирилди.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод Ш. Мирзиёев ўз сайловий дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Съезд қарорига кўра, ЎзЛиДеП қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға партия номзодини рўйхатга олишни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясиға мурожаат этади.

Съездда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ташаббуси билан азалий кадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ҳамда қадрлаш, нафақат ислом олами, балки жаҳон цивилизацияси тарихида буюк ишлари билан ном қолдирган аждодларимиз меросини ўрганиш, уларни навқирон авлодга тўла-тўқис етказиш

Айни пайтда депутатлар томонидан мазкур Қонуннинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшларга афрофлича тушунтириш ишлари жадаллик билан олиб борилаётди. Бундан кўзланган мақсад — мамлакатимизда ҳар бир йигит-қизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ташаббусларини рўёбга чиқариш, пухта билим, замонавий касб-хунар эгаллашларига қўмақлашиш учун яратилган шарт-

Хорижлик экспертлар ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашида Ўзбекистоннинг раислиги хусусида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эндрю БОУЭН, Вудро Вильсон халқаро маркази эксперти (АҚШ):

— Мамлакатларни умумий диний мансублик асосида бириштирган ноёб тузилма — Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг долзарблиги замонавий босқичда ўзини янада яққолроқ намойиш этди. ИХТ мўътадиллик нуқтаи назари билан муслмонларнинг манфаатини ҳимоя қилмоқда. Уни аввалгидан анча долзарб бўлган юмуш — нафақат ислом олами ва бошқа динлар ўртасида, балки тинчликсевар, мўътадил ҳамда маърифатли исломни тарғиб этиш асосида муслмонларнинг ичида ҳам воситачилик қилиш вазифаси кутмоқда.

Муслмон уммати янги ғояларга эҳтиёж сезаётган, айниқса, ислом маърифатини теран англаш ва ҳамжамият ичида мўътадил қарашларни тарқатиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислиги жуда масъулиятли даврда кечаётди.

ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги сессияси Тошкентда ўтказилиши, ҳозирги паллада унга Ўзбекистоннинг раислик қилиши Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини фаоллаштириш борасида ҳам қатор афзалликлар беради. Кейинги йилларда Вашингтон ислом динининг асл моҳиятини нотўғри тушунишдан келиб чиқадиган вайронкор мафқурага қарши туришининг янги усулларини қидириш юзасидан фаол ҳаракат қилмоқда. Шу сабабдан Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг илмий-маърифий ва маданий-гуманитар салоҳиятини кучайтириш бўйича Тошкентнинг конструктив тақлифлари Америка томони учун ҳам дастуриламал бўлиши мумкин.

Леонс ТАЙВАНС, Сийёсий фанлар доктори, Латвия университети профессори:

— Ўзбекистон улкан илмий ва маданий салоҳиятга эга, шу боисдан ҳам у ИХТ ривожланишига бебаҳо хисса қўшишга қодир. Ташкилотга аъзо бўлган бошқа кўпгина мамлакатларга таққослаганда республика кўна тарихининг ҳамда бой маданиятининг соҳибига ҳисобланади. Ислоҳ дини пайдо бўлганидан сўнг унинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кечди. IX-X асрларда ўзбек мутафаккирлари, олим ҳамда дин арбоблари исломнинг дунё динларидан бири сифатида номён бўлишига беҳиҳоя катта хисса қўшганлар.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ёшларни маънавий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ИХТга аъзо бўлган бошқа давлатлар ўрганиши ва ўзларига таъбиқ этишлари мумкидир. Чунки республикада муслмонлар динининг асл моҳияти ҳисобланган тинчликсевар ислом тобора раванқ топмоқда. Шу боис Ўзбекис-

тон Республикасининг мазкур ташкилотдаги раислиги диний кадриятларга, таълим ҳамда маърифатга, тинчлик ва барқарорликни сақлашга муносибат борасида тўланиб қолган кўпгина масалаларни ҳал этиш нуқтаи назаридан улкан аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 25 йили давомида гуллаб-яшнаётган мамлакатга айланди. Шу сабабли республиканин тажрибаси ҳамда унинг бой тарихи ва маданий мероси бошқа мамлакатларни тинчлик ҳамда барқарорликнинг баҳосини теран англашга ундаши мумкин.

Қуршад ЗОРЛУ, “Yeni Zor” (“Янги давр”) ижтимоий-сийёсий газетасининг сийёсий шарҳловчиси, ИХТ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт, сийёсий фанлар доктори (Туркия):

— Афсуски, жаҳонда исломни ёмонотлик қилишга, унинг обрўсини туширишга бўлган турли уринишлар давом этмоқда. Шу боис муслмон маданиятининг асл кадриятларини ҳимоя қилиш, исломнинг дин сифатида тинчлик ва уйғунликка ундовчи, бағрикенглик, маърифат ҳамда интеллектуал юксалишни тарғиб этадиган, муросасизлик ва зўравонликни номақбул ҳисоблашни намоийиш этиш вазифаси ИХТ фаолиятининг олдинги қаторига чиқаяпти.

Шу нуқтаи назардан, Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислиги даврида Ўзбекистон тақлиф этаётган кун тартибги беҳиҳоя муҳим аҳамиятга эгадир. ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — ISESCO томонидан 2007 йилда Ислоҳ маданияти пойтахти, деб эълон қилинган Тошкент шаҳрида ўтказилишининг ўзиёқ ҳақиқий исломнинг моҳиятини, унинг тинчлик ҳамда бунёдкорликка асосланган муқаддас дин эканлигини бутун дунёга кўрсатадиган муҳим жиҳат ҳисобланади. Қолаверса, Ўзбекистон Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий сингари Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва жаҳон илм-фани ривожига улкан хисса қўшган бошқа кўпдан-кўп умуммиқёсда эътироф этилган маърифат юлдузларига бешик бўлган мамлакатдир.

Шу боисдан ишонч билан тасдиқлаш мумкинки, ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг сессияси Тошкентда ўтказилиши, ҳақиқатан ҳам, мазкур ташкилотнинг халқаро нуфузини мустақамлашга, умумбашарий масалаларнинг ҳал этилишида, тинчликсеварлик ва инсонпарварликнинг энг юксак ғояларини одамлар онига етказишга қодир бўлган муслмон давлатларининг обрўли анжумани сифатида бу ташкилотнинг ўрни ҳамда аҳамиятини оширишга қўмақлашда.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Илгари корхонамиз учун зарур бўлган асосий ош ашё хорижий давлатлардан келтирилган эди, — дейди корхонанинг ойна ишлаб чиқариш цехи раҳбари Шокиржон Бўстонов. — Бу эса, табиийки, маълум муаммоларни келтириб чиқарди. Мамлакатимизда саноат корхоналари кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган илмий-технология институтининг модернизациялаш ишларини кенгайтиришга ҳам катта туртки берапти, — дейди ишлаб чиқариш цехи раҳбари Шарифжон Турғунов. — Шу боис цехимизни Германия давлатидан келтирилган замонавий қўлпаш ускуналари билан жиҳозладик. Бу билан технология жараёни тўлиқ автоматлаштирилиши баробарида, ишлаб чиқариш қувватини 110 миллион, банкларни эса 269 миллион донага етказишга эришдик.

Шунингдек, силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи ҳам тўлиқ модернизацияланган, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар им-

ланди. Буни қарангки, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг фойдаланишга топширилгани уни тез ҳамда сифатли олиб келиш учун кенг йўл очди. Бунинг натижасида эса йилига 3 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ тежаб қўлинадиган бўлди.

— Албатта, бундай кўшимча қўлайликлар ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ишларини кенгайтиришга ҳам катта туртки берапти, — дейди ишлаб чиқариш цехи раҳбари Шарифжон Турғунов. — Шу боис цехимизни Германия давлатидан келтирилган замонавий қўлпаш ускуналари билан жиҳозладик. Бу билан технология жараёни тўлиқ автоматлаштирилиши баробарида, ишлаб чиқариш қувватини 110 миллион, банкларни эса 269 миллион донага етказишга эришдик.

Шунингдек, силлиқланган ойна ишлаб чиқариш цехи ҳам тўлиқ модернизацияланган, ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар им-

кон даражада қамайтирилди. Қолаверса, ишчи-ходимларнинг ривожланган давлатларда малака ошириб қайтгани ҳам диққатга сазовордир.

— Бундан ташқари, қисқа вақт ичида ўтга чидамли гишт тайёрлашни ҳам ўзлаштирдик, — дейди корхона технологи Саиджалол Оппоқўжаев. — Бу маҳсулотларимиз буюртмачилари, асосан, хорижликлардир. Яна бир эътиборга молик жиҳати, айни кунларда чет элдан энергия тежамкор ускуна ва дастгоҳлар сотиб олишни мўлжаллаб турибмиз. Демак, келгусида ишимизга янада барака қиради.

Бу каби ўзгаришлар мамлакатимизнинг барча ҳудуди, хусусан, Фарғона вилоятида ҳам саноат равнақ топиб, аҳоли турмуш фаровонлиги янада юксалтирилгандалат беради. Зеро, ишлаб чиқаришни ривожлантирмай туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Экологик тоза маҳсулот етиштириш — устувор мақсад

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Органик қишлоқ хўжалиги: асосий тушунча ва тамойиллар” мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

СЕМИНАР

Таъкидланганидек, органик қишлоқ хўжалиги нафақат атроф-муҳит мусофологини таъминлаш, балки озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш орқали соҳада самарадорликни оширишнинг муқобили йўқ йўналиши ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда дунё бўйича уни ривожлантиришга жиҳдий эътибор қаратилаётган. Натижада бугунги кунга келиб, 172 та мамлакатнинг жами 43 миллион 700 минг гектар майдонда ушбу усулда деҳқончилик қилинапти. Ўз навбатида, экологик тоза маҳсулотларга бўлган

эҳтиёж ҳам йил сайин ортиб бораётди. Айни пайтда уларнинг йиллик савдо айланмаси 80 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистонда шаклланган деҳқончилик маданияти айнан органик қишлоқ хўжалигига асослангани билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам заминимизда етиштирилган мева-сабзавот, узум, картошқак ва полиз маҳсулотлари ўзига хос таъми, юқори сифати билан устуликка эгаки, уларга хорижда ҳам талаб ниҳоятда катта. Шубҳасиз, бу

ниқ, биологик ва маҳаллий ўғитлар ишлатилиб, ҳатто қайта ишлаш, сақлаш жараёнида ҳам сунъий қўшимчалар қўшилмайди. Бундан соҳани барқарор ривожлантириш стратегияси асосида ислохотлар изчил давом эттирилаётгани самарасидир.

— Органик қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитга зарар етказадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан биологик хил-маҳилликни сақлаш, агроэкологик санитария ҳолатини яхшилаш, инсон саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтиришга асосланади, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази директори Анвар Жуманов. — Ушбу усулда, энг аввало, озиқ-овқат экинлари навига алоҳида эътибор қаратилиб, ген-модификацияланган турлардан фойдаланилмайди. Унинг парваришида эса орга-

тирилаётгани, “Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Атамалар ва таърифлар” давлат стандарти ишлаб чиқилгани, шунингдек, ФАО билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун институционал имкониятларни ошириш” лойиҳаси амалиётга таъбиқ этилаётгани бунга мисол бўла олади.

Семинар доирасида органик қишлоқ хўжалиги мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ушбу усулда маҳсулот етиштириётган деҳқон ва фермер хўжаликларини фаолияти билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ижодий танлов эълон қилиниб, унинг шартлари ҳақида ҳам маълумотлар берилади.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таълим ва маърифат — тараққиёт омили

борасида кенг қўламли ишлар олиб борилди. Айниқса, ёшларнинг замонавий билимлар билан бир қаторда, диний илмларни ўзлаштиришлари учун имкониятлар яратиш, улар қалбида миллий кадриятлар, эзгу анъаналарга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, 1999 йили Тошкентда Марказий Осиёда биринчи Ислоҳ университети очилгани, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 та диний таълим муассасасининг иккитаси хотин-қизлар ўқув муассасаси экани фикримиз далилидир.

Албатта, бунда мустақил тараққиётимизнинг ўтган 25 йил давомида барча соҳа қаторида таълим-тарбия тизими ислоҳ қилиниб, бу борада, аввало, соҳанин ҳуқуқий асослари яратилгани ва изчил тақомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 1997 йил 29 августда қабул қилинган ва ҳаётда самарали таъбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жиҳдий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққиёт топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўз нуқтаи назари ва қатъий позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсларни вояга етказишдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқармоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, маориф тизими тубдан янгиланди. Энг муҳими, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатиға нисбатан кўйиландиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва адабиётларнинг янги авлоди яратилди. Яқинда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сийёсати тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилингани келажакимиз эгаларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак, асло янглишмаймиз.

шароитдан уларнинг умумий фойдаланишларини таъминлаш, навқирон авлодда илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини кучайтиришдир.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Самарқандда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи қошида иختисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил қилиш бўйича билдирилган тақлиф ислом олами вакиллариининг диққатини тортиди. Бу нафақат ислом маданияти, балки умумбашарий цивилизацияға бе назир хисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганиш имкониятини кенгайтиради. Айни чоғда Самарқанднинг муслмон маданияти дурдоналаридан бири эканлигини амалда намойиш этади, шу билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлодда ислом кадриятлари ва маданиятини тўғри англаш ҳамда қабул қилишга оид тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилотининг махсус кафедрасини Тошкент ислом университети таркибиде ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу муслмон дунёсидаги таълим, илм-фан ва маданият тарихи ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, айни йўналишда талабалар учун чуқурлаштирилган махсус ўқув курсларини йўлга қўйишда муҳим ўрин тутди.

Умуман айтганда, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг сессиясида ўртага ташланган масалалар долзарблиги билан устувор аҳамиятга эга бўлиб, тинчлик ва барқарорлик йўлидаги изчил ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг юксак даражасини таъминлайди.

Авазбек ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентараро алоқалар қўмитаси раиси.

Миллат тимсоли, юрт қудратли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинчалик мустабид тузум кучга тўлиб олган, мақсадлари йўлида фақат ўзларига мансуб тилининг тарғибига катта эътибор қаратган. Бошқа тиллар эса иккинчи даражали, аризмас тиллар сифатида пинҳона ва ошқорча чоралар билан чегараланган. Халқ ҳамда давлат ўртасидаги расмий мулоқот ўзга тилда бўлиши талаб этилган.

Она тили, миллий маданият, халқнинг урф-одатлари, анъаналари, умуман, миллий ўзликлари хос жиҳатларни оёқ ости қилиш каби муҳим ҳаракатлар ҳақида яқин ўтмишимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Истиклолдан олдинги даврдаги бундай ҳолатлар ҳусусида Юртбошимиз дил оғриғи билан шундай деган эди: "Айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам амал пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиб, ўзларини аждодларини унутган манкуртлар деб шоша-пиша эълон қилдилар. Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдан оёқ ости қилинди, она тилининг қўлини соҳаси сунъий тарзда чеklang қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олдига бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди.

Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларни дафн этишга ҳам чўчи

қолган эдилар." (И. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш ости насиди. Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. — Б.177 — 178).

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, мустабид тузумнинг парчаланиши арафасида эсан миллий уйғониш экинлари боис ўзбек тилига давлат тили мақоми беришда кўп қўлғи масала кун тартибига қўйилди. 1988 йилда давлат тили ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш учун тилшунослар, ҳуқуқшунослар, ёзувчи-шоирлар ва бошқа тегишли мутахассислардан иборат комиссия тўзилди. Бу комиссия томонидан тайёрланган қонун лойиҳасининг матбуотда эълон қилиниши республиканинг кенг жамоатчилиги орасида жуда кескин баҳс-мунозаралар, ҳатто норозиликларга сабаб бўлди. Бундай бўлиши табиий эди, чунки қонун лойиҳасида ўша даврдаги партия раҳбариятининг кўрсатмаси ва қатъий талаби билан "икки тиллик" гоёси ўзининг ошқорча ифодасини топган эди.

Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонун лойиҳаси жиддий муҳокама қилинди, асосли эътирозлар, ўринли таклифлар билдирилди, аммо "икки тиллик" гоёсининг мақбул эмаслиги ҳақидаги мантиқли фикр республиканинг ўша даврдаги раҳбариятига асло маъқул бўлмади.

1989 йилнинг 23 июнидан Ислам Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлади. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш ости

насида" китобида нашриёт томонидан берилган "Сўзбоши"да жуда ўринли таъкидланганидай, "Кечагина республикамиз раҳбари этиб сайланган Ислам Каримов ишга киришган кунининг эртасигаёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Бу нутқ моҳият эътиборига кўра Ислам Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи экани билан ҳам алоҳида тарихий аҳамиятга эгадир. Ушбу чиқишда Ислам Каримовнинг сиёсий етакчига хос барча фазилатлари яққол намойён бўлади." (7-бет). Ушбу "Сўзбоши"да айтилганидек, "Ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи билан ажралиб турадиган мазкур нутқда республика раҳбари Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келади. "Биз бундан буюн эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди", деб янги лавозимга қандай улғу мақсад ва масъулият билан киришаётгани, ўз фаолиятида ислохотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очик баён қилади." (8-бет).

Ўз фаолиятида ислохотчиликни, эл-юртнинг дарду ташвишлардан тамомам халос қилишни олий мақсад деб билган Биринчи Президентимиз ўзбек тилининг ҳаққоний ҳуқуқларини, демократи, халқнинг қаддини ҳам, қадрини ҳам тиклашда улғу ишга шижоат билан

киришди. Фақат шундан кейингина, яъни у кишининг шижоати, миллий манфаатлар муҳофазасида мураккаб ва мушташам масъулиятни ҳеч нарсадан чўчимай тўласинча елкага олиши боис қонун лойиҳасидаги "икки тиллик" гоёси барҳам топди. Фақат ўзбек тилининг давлат тили мақоми қондалаштирилган янги лойиҳа юзага келди ва у кенг жамоатчилик томонидан маъқулланди.

Мазкур қонун қабул қилинган олий машваратда у киши бу ҳолатни мамнуният билан шундай ифодалаганди: "Холосинча айтилганда, матбуотда илк бор эълон қилинган лойиҳа кўпчиликини қониқтирмаган эди. Шунини очик айтишимиз керакки, Қонуннинг биринчи лойиҳасини бугунги сессиямиз муҳокамасига қўядиган бўлсак, кўпчилик халқимизнинг талабини оёқ ости қилгандек бўлардик.

Шуни эътиборга олиб, бугун муҳокамага қўйилган янги лойиҳани тайёрлашга қарор қилдик. Иккинчи лойиҳани тайёрлашда миллионлар қатнашди, десак ҳам бўлади. Аҳолининг кўпчилиги иккинчи лойиҳани маъқул топди. Бундай хулоса ҳаммамизга бугун аён. Ҳақиқатан ҳам, у ҳаммаверса, барча халқлар манфаатига ҳам тўри келади." (Юқорида кўрсатилган китоб, 66-бет). Уша кунини, яъни 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.

Ифтихор билан айтмоқ жоизки, ўзбек тили қарийб бир ярим асрлик

асоратдан озод бўлди, тарихий адолат тикланди, ҳақиқат қарор топди. Давлатимизнинг Биринчи Президенти катта қониқиб билан таърифлаганидек, "Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди" (И. Каримов. "Юксак маънавият — енгилмас куч". Тошкент: "Маънавият", 2008. — Б.84 — 85).

Ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек филологияси, умуман, ўзбекшунослик дейиш мумкин бўлган мушташам фан тараққиёти тарихида, ўзбеки дунёга бор бўйи билан кўрсатишда эзгу ниятлар ижобатини таъминлашда у кишининг бевосита ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши ҳам чинакам тарихий воқеалардан бўлганлиги мунобаҳасиздир. Мазкур университет юртимизда жуда кўплаб бекаткор ва беназир иншооту обидалар каби бу бетимсол арбобнинг ўлмас хотирасининг ёдори, ҳайкалидир.

130 дан ортққ миллиат ва элат вакиллари аҳиликда истикомат қилиб келаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган оқилона тил сиёсатининг натижалари бугун барчанинг эътирофи сазовор. Бу сиёсатнинг ҳуқуқий заминлари Асосий Қонунимизда белгиланган, яъни унда ўзбек тилининг давлат тили эканлигини қондалаштириш баробарида, "Ўзбекистон Рес-

публикаси ўз худудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди", деб ёзиб қўйилган.

Юртимиздаги тил сиёсатида жой номиларини тартибга солиш ҳам алоҳида ўрин тутайди, чунки жой номи халқ ҳаётидаги энг муҳим унсурлардандир, улар тарихий хотира кўзгуларидир. Истиклол даврида юртимиздаги жой номиларига нисбатан қилинган нотўғри мафкуравий дахллар оқибатини тугатиш мақсадида 1996 йилнинг 31 майдига Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номиларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Унда белгилаб берилган вазифалар амалга оширилган, тарихий хотира кўзгусининг тинқиқотини таъминлашга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилнинг 13 октябридан кучга кирган "Географик объектларнинг номилари тўғрисида"ги Қонуни алоҳида аҳамиятга молик бўлганлигини таъкидламоқ лозим.

Мамлакатимизнинг турли миллатга мансуб фуқаролари ўзбек тилини давлатимизнинг муқаддас тимсоли сифатида ўрганмоқдалар, гапласмоқдалар, унга юксак эътибор кўрсатмоқдалар. Бу тимсол барча фуқароларимизнинг ҳамжihatлиги, бирдамлигига хизмат қилапти.

Низомиддин МАХМУДОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор.

ЭЪЛОН

«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ оқик аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 4 ноябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда:

1. Суд қорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилоти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий кўчасидаги (Тошкент «ОПМЗ») автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган;
* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Т ЕА 462/77 бўлган, «Mercedes-Benz S500» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 290 389 582 сўм.
* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/398 ЗАА бўлган, «ГАЗ-2752-414» русумли юк-йўловчи ташувчи автомашина.

Бошланғич баҳоси — 56 944 775 сўм.
* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/397 ЗАА бўлган, «ГАЗ-2217-404» русумли юк-йўловчи ташувчи автомашина.

Бошланғич баҳоси — 59 656 431 сўм.
* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/417 QCA бўлган, «Nexia DONC-2» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 38 338 832 сўм.
2. Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 2 сентябрдаги 10-1117/9934-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 77-уйда сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/151 DCA бўлган, «Lacetti» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 42 858 000 сўм.
2.1. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2016 йил 13 июлдаги 1-516/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод туманидаги 8-авторкорхона жарима майдончасида сақланаётган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 Е034 LA бўлган, «BA3-2101» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 849 000 сўм.
2.2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 29 февралдаги ЖСХ-1-75/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space arsenal service» МЧЖда сақланаётган;
* 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 1601 бўлган, «BMW-525TDS» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 33 402 359 сўм.
* 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 5660EA7 бўлган, «Opel Omega» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 22 409 682 сўм 26 тийин.
3. Яккасарой тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2013 йил 13 сентябрдаги 1303/15659-6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Спутник 17-8/39-уйда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/454 MCA бўлган, «Malibu» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 60 331 000 сўм.
4. Миробод тумани СИБ томонидан хатланган, «Space arsenal service» МЧЖда сақланаётган;
* ЖИБ Миробод тумани судининг 2016 йил 18 мартдаги 1-329/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 О 646 KA бўлган, «BA3-2101» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 4 700 403 сўм.
* ЖИБ Яккасарой тумани судининг 2015 йил 4 мартдаги 1-27/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 F 941 PA бўлган, «Spark» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 25 977 097 сўм.

* ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2016 йил 5 февралдаги 1-83/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2015 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 W 798 UA бўлган, «Matiz Best» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 30 238 169 сўм.
* ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2016 йил 15 мартдаги 1-131/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 Т 679 NA бўлган, «BA3-21061» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 10 678 132 сўм.
* ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2015 йил 25 августдаги 1-662/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 P 840 BA бўлган, «BA3-2101» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 4 513 500 сўм.
* ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2010 йил 21 июндаги 517F10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 C7832 бўлган, «Москвич-21412» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 1 920 605 сўм.
* ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 703/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 067 DA бўлган, «Damas» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 18 790 809 сўм.
4.1. ЖИБ Тошкент вилоти судининг 2014 йил 28 февралдаги 2-249/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, МХХ Тошкент вилоти бошқармасида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 D 205 бўлган, «Ява 350» русумли мотоцикл.

Бошланғич баҳоси — 1 304 921 сўм.
4.2. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 5 ноябрдаги 30-сонли ижро варақасига асосан хатланган, МХХ Тошкент шаҳар бошқармасида сақланаётган;
* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/3227 AA бўлган, «CHEREAU» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 61 200 000 сўм.
* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/4519 AA бўлган, «SCHMITZ» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 61 200 000 сўм.
* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1/3126 AA бўлган, «CHEREAU SKO 24» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 68 500 000 сўм.
* 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 X 868 LA бўлган, «MAN 19463 FLT» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 115 000 000 сўм.
* 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 X 820 LA бўлган, «Mercedec-Benz Actros 1844» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 112 200 000 сўм.
* 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О1 О 820 LA бўлган, «Mercedec-Benz Actros 1844» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 165 000 000 сўм.
4.3. ФИБ Учтепа туманларо судининг 2016 йил 4 мартдаги 1-2322/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Зафар-И» божхона омборида сақланаётган;
* 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, «SINOTRUK HOWO» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 365 837 400 сўм.
* 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами WRA 22019 бўлган, «VOLVO FH 12» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 194 515 350 сўм.

2016 йил 7 ноябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда:

1. Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган, Ангрен шаҳар 29-сонли автобаза майдонида сақланаётган;
* ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 2013 йил 21 февралдаги 1101-187/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 G 1966 бўлган, «УАЗ-3151201» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 1 848 547 сўм 54 тийин.
1.1. ЖИБ Охангарон тумани судининг 2011 йил 15 апрелдаги 247-сонли ижро варақасига асосан хатланган;
* 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 L 4120 бўлган, «KamAZ» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 22 196 790 сўм.
* 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Т 843 BA бўлган, «KamAZ» русумли юк автомашинаси.

Бошланғич баҳоси — 20 333 452 сўм 30 тийин.
* 2012 йил 5 октябрдаги 7559/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Т 297 CA бўлган, «BA3-21011» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 925 777 сўм 68 тийин.
* 2010 йил 10 декабрдаги 1049/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 A 6717 бўлган, «KamAZ» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 4 305 203 сўм 53 тийин.
1.2. Ангрен шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган;
* 2016 йил 17 майдаги 5108/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 K 148 GA бўлган, «Nexia» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 36 820 354 сўм 60 тийин.
* 2016 йил 17 майдаги 5106/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 H 638 LA бўлган, «Nexia» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 32 488 354 сўм 60 тийин.
* 2016 йил 17 майдаги 5107/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 A 576 EA бўлган, «Nexia» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 5 203 385 сўм 50 тийин.
* 2016 йил 8 апрелдаги 3214/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 B 264 EA бўлган, «ГБА-СПГ-BA3-21063» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 3 633 349 сўм 52 тийин.
* 2016 йил 8 апрелдаги 3215/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 N 423 AA бўлган, «ГБА-СПГ-BA3-21063» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 5 081 689 сўм 68 тийин.
* 2015 йил 6 апрелдаги 9500/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 683 FA бўлган, «BA3-21063» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 2 527 812 сўм.
* 2012 йил 15 октябрдаги 6184/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Т 8305 бўлган, «УАЗ-469 Б» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 723 796 сўм 70 тийин.
2. Бекобод тумани СИБ томонидан хатланган, Бекобод тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган;
* ЖИБ Бўқа тумани судининг 2012 йил 7 февралдаги 242-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 471 BA бўлган, «BA3-2103» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 649 539 сўм.

* ЖИБ Бўқа тумани судининг 2015 йил 14 январдаги 01-06/775-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Д 7201 ТШ бўлган, «Москвич-412» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 1 089 088 сўм.
* ЖИБ Бекобод тумани судининг 2012 йил 22 майдаги 1-92-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 D 8212 бўлган, «BA3-2102» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 770 969 сўм.
* ЖИБ Бекобод тумани судининг 2012 йил 14 майдаги 1-126-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 F 824 DA бўлган, «BA3-21011» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 727 189 сўм.
* ЖИБ Бекобод тумани судининг 2013 йил 13 декабрдаги 326-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Q 602 FA бўлган, «BA3-2106» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 2 115 266 сўм.
* ЖИБ Бекобод тумани судининг 2011 йил 29 декабрдаги 1-198-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 S 4437 бўлган, «BMW» русумли автомашина.

Бошланғич баҳоси — 3 241 665 сўм.
3. Бўстонлик тумани СИБ томонидан ЖИБ Бўстонлик тумани судининг 2016 йил 10 мартдаги 1-41/2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлик тумани, Фазалкент-2, «Мариям текстиль сервис» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 481 HA бўлган, «ГБА-СПГ-BA3-2101» русумли автомашина кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 835 205 сўм.
Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида автотранспорт воситаси учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим.